

«ТАСДЖЛАЙМАН»

«НУРАФШОН САХАР КОКИМЛИГИ»

М.Салиев

«23» июль 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Нурафшон -2022

## Таълов ҳужжатларининг мазмуни:

### I. Таълов иштирокчилари учун йўриқнома

### II. Техник қисм

### III. Нархлар қисми

## ТАЪЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАЪЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Таълов предмети: Ёшларни тадбирколик фаолиятини юритиш ва узини узи банд қилиш учун зарур асбоб ускуналар сотиб олиш.

1.2. Таълов қиймати : 201311 000 (Икки юз бир миллион уч юз ўн бир минг )сум

1.3. Маҳсулот бўйича Техник топшириқ таълов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу таълов якуслари бўйича толиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАЪЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. «НУРАФШОН ШАХАР ХОКИМЛИГИ » (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -таълав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Нурафшон шаҳар Тошкент йули 55А уй

Эл.адрес:

2.2. Таълов “Буюртмачи” томонидан таъловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Таълов «НУРАФШОН ШАХАР ХОКИМЛИГИ» “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қоғузда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАЪЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Таъловда мулкчилик шаклидан қатъий пазар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисосланган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Таъловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

таълов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

таълов объектига ўхшаш объектларда ишлар тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан ишлари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

таълов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоздан кам бўлмаган ҳолда);

Шизом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка билоан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта таъкил этилиши (ажратилиши, қушилиши), тугагани ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилинув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита танкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қурилишда (etender.uzex.uz ) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлантириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томондан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар қўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ қўрсаткичлар қўрсатиш билан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда таъкилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар таъкил бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар руйхати (броншоралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхаги илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига таъкил жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШИҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (иши, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ушбу кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда.

агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига реғишли тушунтиришларни тақдим этиш шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома гузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.